

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ТАДЖИЕВА НИГОРА УБАЙДУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАРДА ПНЕВМОКОККЛИ ИНФЕКЦИЯНИНГ ТАШХИСИ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2018 йил

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation abstract

Таджиева Нигора Убайдуллаевна

Болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхиси, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш 3

Таджиева Нигора Убайдуллаевна

Совершенствование диагностики, лечения и профилактики пневмококковой инфекции у детей 29

Tadjieva Nigora Ubaydullaevna

Enhancement of diagnosis, treatment and prevention of pneumococcal infection in children..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ТАДЖИЕВА НИГОРА УБАЙДУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАРДА ПНЕВМОКОККЛИ ИНФЕКЦИЯНИНГ ТАШХИСИ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 - Юқумли касалликлар
14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2018 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib68 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Туйчиев Лазиз Надилович

тиббиёт фанлари доктори

Даминов Турғунпулат Абидович

тиббиёт фанлари доктори, профессор,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси академиги

Расмий оппонентлар:

Касимов Илхамджан Асамович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исхакова Халида Ильхамовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Федерал давлат бюджет ташкилоти «Федерал тиббий-биологик агентлигининг болалар илмий-клиник юқумли касалликлари маркази» (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисда бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871-150-78-25, email: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871-150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Э. И. Мусабоев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г. К. Худайкулова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пневмококкли инфекция кўплаб давлатлар соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 5 ёшгача бўлган болалар орасида пневмококкли инфекциянинг умумий сони 14,5 млн. (11,1-18 млн.) ташкил қилиб, касалликнинг инвазив шаклларида йилига 1,6 млн. бола нобуд бўлиши қайд қилинмоқда. Ҳозирги кунгача Европада ушбу касаллик билан касалланиш даражасининг кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 16-20 кишини ташкил қилади, АҚШда пневмококкли инфекция ҳар йили 20 000 та ҳолатларда менингит ва бактериемияга сабаб бўлмоқда¹. 5 ёшгача бўлган болалар орасида оғир пневмококкли касалликлар: менингит, пневмония, бактериемия ва бошқа инвазив инфекциялар кечишининг оғирлик даражасини баҳолаш бўйича тадқиқот ишини ташкил этишига қарамасдан соҳа мутахассислари олдида турган асосий муаммолардан бўлиб келмоқда.

Жаҳонда болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, болалар орасида турли микроб ва вируслар орқали тарқаладиган юқумли ва юқумсиз касалликларни турларини аниқлаш, пневмококк инфекцияси мавжуд беморларни даволашда оптимал даволаш тизимини танлаш, болаларда пневмококкли беморларни эрта аниқлашнинг эндоген ва экзоген сабаблари ва хусусиятларини асослаш мавзусидаги тадқиқотлар алоҳида эътибор қаратмоқда. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, таъкидлаб ўтиш жоизки болаларда инвазив ва ноинвазив пневмококкли касалликларнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари очиб бериш, соғлом болалар орасида *S.pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанликни шаклланишидаги учраш даражасининг хавфли омилларини асослаш, пневмококкли вакцинани танлаш мезонларини ишлаб чиқиш, соғлом ташувчи ва беморлардан ажратиб олинган пневмококкларни айланиб юрувчи серологик типлари таркибини аниқлаш ҳамда пневмококкларнинг резистентлик натижаларига асосланиб, болаларда пневмококкли касалликларни антибактериал терапияси ёндошувини такомиллаштириш, касалликнинг турли асоратларини аниқлаш ва уларни эрта ташхислаш ва даволаш тизимларини ишлаб чиқиш, болалар орасида пневмококкли касалликларни келиб чиқиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар натижасида пневмококкли

¹Брико Н.И. и др. Эпидемиология, клиника и профилактика пневмококковой инфекции. Междисциплинарное учебное пособие для врачей/ под редакцией академика РАН, профессора Н.И.Брико. - Москва, 2017. - 112 с.

касалликларни ташхисоти, давоси ва олдини олишга қаратилган самарали тадбирлар ўтказилмоқда. Пневмококкли касалликларнинг клиник кечиш хусусиятлари, *S.pneumoniae* штаммлари популяциясининг серотип таркиби, беморлардан ажратиб олинган штаммларни антибактериал химиопрепаратларга нисбатан турғунлиги, *S.pneumoniae*нинг айланиб юрувчи штаммларини микробиологик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига² мувофиқ аҳоли орасида турли юқумли касалликларни профилактикаси ва ташхислаш, замонавий йўналишни қўллашни кенгайтириш, юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан бир қаторда пневмококкли инфекциянинг айланиб юрувчи ва касаллик қўғатувчи штаммларини ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақоза қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 10 декабрдаги ПФ-4577-сон «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармойиши, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Boston University (АҚШ); National Institute for Health and Welfare (Финляндия); University of Calgary (Канада); University of Copenhagen (Дания); University of Florida (АҚШ); Imagine Institute of Paris (Франция); University of Geneva (Швецария); Смоленск Давлат тиббий академиясининг микробга қарши химиотерапия ИТИ, Федерал тиббий-биологик агентлигининг болалар илмий-клиник юқумли касалликлари маркази (Россия), Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

³ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.bu.edu; www.rki.de; www.iqwig.de; www.thl.fi; www.ucalgary.ca; www.ku.dk; www.ufl.edu; www.institutimagine.org; www.unige.ch ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Пневмококкли инфекцияларни ташхислаш, самарали даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: *S.pneumoniae* кенг қўлланиладиган антибиотикларга нисбатан резистентлиги асосланган (Boston University, АҚШ); беморлардан ажратиб олинган пневмококкларнинг полирезистентлиги исботланган (Boston University, АҚШ); *S.pneumoniae*нинг ташувчи серотиплари бўлиб, бошқа ёш гуруҳларига нисбатан болалар эканлиги асосланган (University of Copenhagen, Дания); болаларда пневмококклар билан зарарланишининг генетик тадқиқотлар асосида хужайравий механизмлари исботланган (University of Florida, АҚШ); инвазивли пневмококкли касалликнинг асоратлари натижасида остемиелит, эндокардит, плевропневмония ва иммун танқислик ҳолати ривожланиши асосланган (Imagine Institute of Paris, Франция); турли хил ҳудудларида айланиб юрувчи пневмококкларнинг асосий серотипларини таърифлаш ва пневмококкли инфекцияларни даволашда эмпирик антибактериал терапияни танлаш бўйича ҳудудий тавсияларни тадбиқ этиш ҳамда пневмококкли вакцинани танлаш илмий асосланган (Смоленск давлат тиббиёт академиясининг микробга қарши химиотерапия ИТИ, Федерал тиббиёт-биологик агентлигининг болалар илмий-клиник юқумли касалликлари маркази, Россия Федерацияси); пневмококкли инфекциянинг ташхислаш, самарали даволаш ва профилактикаси такомиллаштирилган (Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти, Ўзбекистон).

Дунёда болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: пневмококкли инфекцияларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш; соғлом болалар орасида *S. pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанликни шаклланишини асослаш; пневмококкларнинг серологик типларини ўрганиб, пневмококкли вакцинани самарадорлигини баҳолаш; соғлом ташувчи ва беморлардан ажратиб олинган пневмококкларни айланиб юрувчи серотиплари таркибини аниқлаш; пневмококкларнинг резистентлик натижаларига асосланиб, назофарингеал ва клиник штамmlарини микробга қарши дори воситаларига нисбатан резистентлигини аниқлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пневмококкли инфекцияга бағишланган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, пневмококкли инфекциянинг асосий қирраларини ўрганишдаги мураккаблик, *S.pneumoniae* ташхислаш ва серологик типларини аниқлашда ҳозирги кунда қўлланилаётган анъанавий усулларни мукамал эмаслиги билан боғлиқ. Пневмококкли инфекция масалалари билан шуғулланувчи етакчи мутахассислар (Покровский В. И., 2016; Козлов Р. С., 2015) фикрича, ташхисотнинг мавжуд молекуляр-генетик усуллари анъанавий культурал усуллар билан қиёсланганида юқори хусусиятга эга, аммо пневмококкли

инфекцияларнинг микробиологик ташхисоти ва эпидемиологик назорати вазибаларини бир вақтнинг ўзида ҳал қила олмайди ҳамда кетма-кет қўллашни талаб этади, аммо буни иқтисодий жиҳатдан ҳар доим ҳам бажариш имкони бўлмайди (Soto K., 2015).

Ҳозирги кунда пневмококкли инфекцияни эпидемиологик назоратининг кенг қўлланилаётган усули серологик типларни аниқлаш ҳисобланади (Баранов А. А., 2017; Даминов Т. А., 2016; Richter S. S., 2014). Беморлардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* клиник штаммларини серологик типларини аниқлаш орқали аниқ бир жуғрофий ҳудудларда пневмококкнинг у ёки бу серотипларини устун келиши маълумотларини олиш ва махсус профилактика тадбирларини қўллашга эришилади (Pichichero M. E., 2015). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти йўналишига кўра, пневмококкли инфекциялар профилактикасида пневмококкли касалликларга қарши курашишнинг ягона, самарали тадбирига эмлаш киради (Kingman K. P., 2011). Шунингдек, пневмококка қарши самарадор эмлаш касалланиш даражасини камайиши ҳисобига антибиотикларга нисбатан талабни пасайишига олиб келади (Cook B., 2017; Dagan R., 2014; Dortet L., 2016). Эмланган ва эмланмаган болалар орасида пневмококкли инфекция, жумладан пневмококкли менингит билан касалланиш даражасини қиёслаш бўйича чет давлатларида ўтказилган тадқиқотга кўра, эмлашдан самарадорлик 80-95% ни ташкил қилади (Hampton L. M., 2016; Pilishivili T., 2014).

Илмий адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлилига кўра, пневмококкли касалликларнинг турли хил шакллари клиник симптомлар хусусиятларини ўрганиш, болалар ўртасида пневмококкли инфекциялар оғирлик даражасини камайтиришга қаратилган даволаш ва профилактик тадбирларини ҳал этишга қаратилган *S. pneumoniae* идентификациялаш усулларини такомиллаштириш, касалликни эрта ташхисотини оширади. Бу ўз навбатида, мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш заруриятини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтининг «Эмлашдан олдин ва кейинги даврларда пневмококкли инфекция ташхисоти, профилактикаси ва фармакотерапиясини такомиллаштириш» (2015 - 2017 йй.) илмий ишлари мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади касалликнинг клиник белгилари ва *S.pneumoniae*нинг микробиологик хусусиятларини эътиборга олиб, болаларда пневмококкли инфекциялар ташхисотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

болаларда пневмококкли инфекцияларнинг умумий таркибида ўткир ўрта отит, шифохонадан ташқари пневмония, йирингли менингитларнинг учраш даражасини аниқлаш;

болаларда инвазив (шифоходан ташқари пневмония, йирингли менингит) ва ноинвазив (ўткир ўрта отит) пневмококкли касалликларнинг клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш;

соғлом болалар орасида *S.pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанликни шаклланишидаги учраш даражасини хавф омилларини ўрганиш;

пневмококкли вакцинани танлаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадида, соғлом ташувчи ва беморлардан ажратиб олинган *S. pneumoniae*нинг айланиб юрувчи серологик типларининг таркибини аниқлаш;

*S. pneumoniae*нинг резистентлик натижаларига асосланиб, болаларда пневмококкли касалликларни антибактериал терапияси ёндошувини оптималлаш ва рационаллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пневмококкли инфекциянинг турли хил шакллари билан касалланган (йирингли менингит (n=210), шифоходан ташқари пневмония (n=265), ўткир ўрта отит (n=182)) ва соғлом (n=72) 14 ёшгача бўлган болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети болаларда пневмококкли инфекцияни ташхислаш ва даволашда беморлардан олинган ликвор, қон, плеврал суюқлик, ўрта қулоқ суюқлиги ва соғлом болалар бурун ютқин шиллиғи таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифалари ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун проспектив текширув умумий клиник, бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда шифоходан ташқари пневмония, йирингли менингит, ўткир ўрта отитлар умумий таркибида *S.pneumoniae*нинг ҳам касалликларни келтириб чиқиши исботланган;

соғлом болалар орасида *S.pneumoniae*нинг назофарингеал ташувчанликни шаклланишида хавфли омиллари исботланган;

соғлом ташувчи, шифоходан ташқари пневмония, йирингли менингит, ўткир ўрта отитлар билан касалланган бемор болалар орасида айланиб юрувчи *S.pneumoniae*нинг кўп учрайдиган 1, 2, 5, 6A/B, 19F серологик типлари аниқланган;

олинган натижаларга кўра, пневмококкли вакцинани махсус профилактика мақсадида қўллаш асосланган;

*S. pneumoniae*нинг назофарингеал ва клиник штаммларини микробларга қарши дори воситаларига нисбатан резистентлиги илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда *S.pneumoniae* чақирган йирингли менингит, пневмония ва ўткир ўрта отитнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари аниқланган;

соғлом болалар ўртасида *S.pneumoniae* ташувчанликнинг хавфли омиллари аниқланган;

болаларда йирингли менингит, шифохонадан ташқари пневмония ва ўткир ўрта отит келиб чиқишида *S.pneumoniae* ўрнини эътиборга олган ҳолда, ҳимоя иммунитетни юзага келтириш мақсадида 13-валентли пневмококкли конъюгирланган вакцина (ПКВ-13) билан эмлаш тавсия этилган;

махсус профилактика мақсадида пневмококкли вакцинани қўллашнинг самарадорлиги асосланган;

болаларда бактериологик текширув натижалари олингунича ва/ёки қўзғатувчи ажратиб олинмаган ҳолатларда эмпирик антибактериал даволашни танлашда пневмококкли касалликларни эрта ташхислаш тизими ишлаб чиқилган;

болаларда *S.pneumoniae*нинг клиник ва назофарингеал штамmlарини микробга қарши дори воситаларга нисбатан сезувчанлигини аниқлаш натижаларига асосланиб, пневмококкли касалликларни даволашда антибактериал терапияни танлаш ёндошуви таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, микробиологик, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилган. Пневмококк инфекциясини болаларда кечишинининг ўзига хос хусусиятли қонуниятлари асосида турли усулларни қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар ўртасида йирингли менингит, шифохонадан ташқари пневмония ва ўткир ўрта отит ривожланишида *Streptococcus pneumoniae*нинг етакчи ўрни кўрсатилиб, унинг серотипларини ҳамда антибактериал дори воситаларга резистентлигини аниқлаб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, болаларда пневмококкли инфекциянинг турли хил клиник шаклларини эрта ташхислаш ва антибактериал даволаш тизимини ишлаб чиқилиши, шу билан бир қаторда, болалик даврида пневмококкли касалликларнинг инвазив ва ноинвазив шаклларини чақирувчи *S.pneumoniae*нинг асосий серологик типлари аниқланиб, болаларни 2 ойликдан бошлаб 13-валентли пневмококкли конъюгирланган вакцина (ПКВ-13) билан эмлашни тавсия этилиши пневмококкли инфекциянинг махсус профилактикаси болалар ўртасида пневмококкли касалликлар, жумладан менингит, пневмония ва ўткир ўрта отит билан касалланиш ва ўлим даражасини камайишига ҳамда антибиотикларга нисбатан резистентликни секинлашишига олиб келиши имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхиси, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда инвазив пневмококкли касалликларни ташхиси ва антибактериал давосини оптимизациялаш» номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 25 майдаги 8н-д/40-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болаларда пневмококкли инфекция натижасида менингит ва пневмония касалликларини ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда касалликни камайтириш имконини берган;

болаларда пневмококкли касалликларни ташхисоти бўйича олинган илмий натижалар, жумладан 13-валентли пневмококкли конъюгирланган вакцинаси (ПКВ-13) Ўзбекистон Республикасининг профилактик эмлаш Миллий жадвалига киритилган («Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликларни иммунопрофилактикаси», 0239-15-сон СанҚваМ). Мазкур меъёрий хужжат пневмококклар натижасида келиб чиқадиган йирингли менингит, пневмония ва ўрта отитларни олдини олиш учун болаларни 13-валентли пневмококкли конъюгирланган вакцинаси билан режали эмлаш имконини берган;

болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Антибиотикларни резистентлигини ўрганиш марказига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 28 апрелдаги 04/17 сон маълумотномаси). Ушбу хужжат *Streptococcus pneumoniae* микробининг дори воситаларига нисбатан резистентлик мониторингини амалга ошириш имконини берган;

болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд вилояти юқумли касалликлар шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 25 майдаги 8н-д/40 сон маълумотномаси, 2016 йил 4 ноябрдаги 8д-з/82 сон хулосаси). Олинган тадқиқотларнинг амалиётга жорий қилиниши иқтисодий самарадорликга олиб келган. Пневмококкли инфекциянинг махсус профилактикаси болалар ўртасида пневмококкли касалликлар, жумладан менингит, пневмония ва ўткир ўрта отитлар билан касалланиш ва ўлим даражасини камайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 14 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 189 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхисоти, даволаш ва профилактикасини замонавий қирралари»** деб номланган биринчи бобида болаларда пневмококкли инфекциянинг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, ташхисот усуллари, замонавий даволаш ва олдини олиш жиҳатларини ўрганиш борасида адабиётларнинг шарҳи келтирилган. Олиб борилган таҳлил натижалари ишнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослаб берган.

Диссертациянинг **«Болаларда пневмококкли инфекциянинг ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришда клиник материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишининг 2008-2014 йиллар мобайнида ТГА нинг юқумли касалликлар кафедраси ва педиатрия кафедраси клиникаларида, ТошПТИ нинг отоларингология кафедраси клиникасида ўтказилганлиги кўрсатилган. Тадқиқот 14 ёшгача бўлган пневмококкли инфекциянинг турли хил шакллари билан касалланган (йирингли менингит (n=210), шифохонадан ташқари пневмония (n=265), ўткир ўрта отит (n=182)) ва соғлом болаларда (n=72) ўтказилган. Ликвор, қон, плеврал суюқлик, ўрта қулоқ суюқлиги ва бурун-ютқин шиллиғи бактериологик текшируви, ажратиб олинган *Streptococcus pneumoniae* серотипини ва антибиотикларга нисбатан сезувчанлигини аниқлаш 1-сонли Тошкент шаҳар юқумли касалликлар клиник касалхонасининг бактериология лабораториясида ўтказилди. *S.pneumoniae* аниқлаш мақсадида материалларни полимераз занжир реакцияси (ПЗР) текшируви Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ нинг «ПЗР лабораторияси» да ўтказилди. Ўтказилган проспектив тадқиқотда клиник-эпидемиологик, бактериологик, серологик, молекуляр-генетик ва статистик усулларидан фойдаланилди. Материални бактериологик экиш олдиндан 37°C 30 дақиқагача иситиб олинган шоколадли ва қонли агар


(HiMedia, India) тутган Петри косачасида ўтказилди. Бактериологик лабораторияда экмалар 37°C ҳароратда 24-48 соат мобайнида таркибида 5% CO₂ бўлган атмосферада инкубирланди. Зич озуқа муҳитларида ўсиш бўлганида, ўсиб чиққан колониялар визуал баҳоланди, Грам бўйича суртма тайёрланди, таркибидаги оксидаза, каталаза аниқланди, олинган натижага боғлиқ равишда кўзгатувчининг кейинги идентификацияси ўтказилди ҳамда антибиотикларга нисбатан сезувчанлиги аниқланди. Пневмококкни ажратиш сифатини назорат қилиш учун АТСС 49619 *S. pneumoniae* штаммларидан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда *S. pneumoniae* тез аниқлаш мақсадида қуйидаги синамалар ўтказилди: латексагглютинация реакцияси (ЛАР, Pastorex meningitis, Bio-Rad, Франция) ва иммунохроматографик синама («BinaxNOW SP Test», АҚШ). Реал вақтда ПЗР ўтказиш учун «Ампли Сенс *Neisseria meningitidis*, *Haemophilus influenzae* ва *Streptococcus pneumoniae*-FL» ФБУН «Эпидемиология Марказий ИТИ» ишлаб чиқарган (Москва, Россия) реагентлар тўпламидан фойдаланилди. *S. pneumoniae* ДНК детекцияси учун *lytA*, *psa* ва *cpsA* ген фрагментларини амплификацияси усулидан фойдаланилди. ДНК ажратиб олиш «РИБО-преп» тўплами ёрдамида тўпламга тегишли қўлланма асосида ўтказилди. Таҳлил «Rotor-Gene system PCR 6000» қурилмасида ПЗР FEP/FRT-50F вариантли Tag-F универсал ишчи аралашмаси ёрдамида бажарилди. ДНК ни ажратиб олиш ва ПЗР ўтказишда фойдаланилган барча реагентлар ФБУН да ишлаб чиқарилган «Эпидемиология марказий ИТИ» (Москва, Россия).

Парагрипп, РС-инфекция ва аденовирусли инфекция вирусларига текширув флюоресцирловчи антитаначалар усули ёрдамида Тошкент ш. санитария ва эпидемиология назоратининг марказий лабораториясида ўтказилди.

Штаммларни антибиотикларга нисбатан сезувчанлиги диск-диффузион усул (Mast Diagnostics, UK) ва Мюллер-Хинтон муҳитида микроэритиш усули (HiMedia, India) ёрдамида антибиотикни фаоллигини кўрсатувчи – минимал таъсири концентрация қиймати (МТК₅₀, МТК₉₀) бўлган асосий миқдор кўрсаткичини аниқлашга асосланган CLSI, EUCAST тавсияларига таяниб ўтказилди. Сезувчанликни аниқлашнинг сифат назорати АТСС 49619 *S. pneumoniae* назорат штамлари ёрдамида ўтказилди (CLSI, 2009, 2012). *S. pneumoniae* штамм серогуруҳлари Pneumotest-Latex зардобида ўтказилди (Statens Serum Institute, Дания).

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга Pentium-IV персонал компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастури ёрдамида статистик ишлов берилди, жумладан статистик ишловнинг киритилган вазифаларидан фойдаланилди. *S. pneumoniae* соғлом назофарингеал ташувчанлик шаклланишида турли хил омилларнинг аҳамиятли ўрнини аниқлаш мақсадида касаллик ривожланишининг нисбий хавфи эътиборга олинди, яъни таъсиротга учраган гуруҳдаги касалланиш даражаси таъсиротга учрамаган гуруҳдаги касалланиш даражасига нисбати ўрганилди (Флетчер Р., Флетчер С., Вагнер Э., 2004).

Диссертациянинг «Йирингли менингит/менингоэнцефалит, шифохонадан ташқари пневмония, ўткир ўрта отит билан оғриган беморларда *S.pneumoniae* ўрнини аниқлаш тадқиқоти натижалари» деб номланган учинчи бобида болаларда йирингли менингит, пневмония ва ўткир ўрта отит ривожланишида *S. pneumoniae* ўрнини аниқлашга бағишланган тадқиқот натижалари келтирилган. Ўтказилган тадқиқотга кўра, *S. pneumoniae* ушбу касалликларни ривожланишида солмоқли этиологик аҳамиятга эга ҳамда йирингли менингитларнинг 51,4% ҳолатларида, шифохонадан ташқари пневмониянинг 55,5% ва ўткир ўрта отит 25,3% ҳолатларида этиологик сабаби ҳисобланди.




1-расм. Кузатувдаги беморларда йирингли менингитларнинг этиологик таркиби (n=210)

1-расмда кўрсатилганидек, кузатувдаги болаларда йирингли менингитнинг асосий этиологик омилли *S.pneumoniae* (51,4%) билан бир қаторда 7,2% *Neisseria meningitidis*, 1,4% *Haemophilus influenzae*, 1,0% *Staphylococcus spp.* бўлган, 39,0% ҳолатларда эса йирингли менингит этиологияси аниқланмаган.

Тадқиқот натижасига кўра, сўнгги йилларда *N.meningitidis* чақирган йирингли менингитларнинг учраш даражаси пасайиб бормоқда, бизнинг тадқиқотда менингококкли инфекция 15 (7,2%) ҳолатларда кузатилди.

Адабиётлар шарҳидан маълумки, *H.influenzae* ҳам *S. pneumoniae* ва *N.meningitidis* каби болалардаги йирингли менингитларнинг асосий кўзғатувчиси ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотимизда *H.influenzae* 3 та ҳолатларда аниқланди ҳамда 1,4% ташкил қилди ва бу Ўзбекистон Республикаси эмлаш календарига 2009 йилдан бошлаб *H.influenzae* қарши эмлашни киритиш билан боғлиқ. *S.pneumoniae*нинг лаборатор идентификацияси бир неча усуллар ёрдамида ўтказилди (2-расм).



2-расм. Кузатувдаги йирингли менингит билан оғриган беморларда *S.pneumoniae* аниқлаш усуллари (n=210)


210 (100%) нафар йирингли менингит ташҳиси билан оғриган бемор болаларнинг 98 (46,6%) тасида бактериологик усул ёрдамида *S.pneumoniae* ажратиб олинган. ЛАР усулида 119 (100%) нафар беморлардан 102 (85,7%) тасида ҳамда иммунохроматографик синамада 22 (100%) та беморларнинг 20 (90,3%) тасида натижа ижобий бўлган. ПЗР-РВ усули ёрдамида *S.pneumoniae* 83 (100%) нафар беморлардан 51 (61,4%) тасида аниқланган (2-расм).

Шифохонадан ташқари пневмония билан касалланган болаларда *S.pneumoniae* ўрнини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, 265 нафар шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган болаларнинг 147 тасида пневмококкли этиология турли хил усуллар ёрдамида аниқланди ва бу 55,5% ни ташкил қилган.

3-расмда кўрсатилганидек, бактериологик усул ёрдамида 37 та *S.pneumoniae* штамми (қондан 33 (25%) та штамм ва плеврал суюқликдан 4 (66,6%) штамм) ажратиб олинган. ЛАР усулида 265 нафар текширилувчиларнинг 114 нафарида ижобий бўлган ва 43% ташкил қилган.

Имунохроматографик синама ёрдамида 88 нафар беморларнинг 57 таси пешобда *S.pneumoniae* антигенини аниқлаш имкони бўлган ва 64,7% ни ташкил қилган. ПЗР усулида эса 74 та қон намуналарининг 43 (58,1%) тасида қўзғатувчи аниқланган. Касаллик ривожланиши бўйича анкета маълумотлари тахлилига кўра, 126 (85,7%) нафар болаларда пневмония ўткир респиратор вирусли инфекция клиник белгилари фонида ривожланган.


Шунга кўра, юқори нафас йўллари катари клиник симптомлари бўлган шифохонадан ташқари пневмонияли беморларда касалхонага келишнинг биринчи кунда бурун-ютқин шиллиғини парагрипп, аденовирусли инфекция ва РС-инфекция антигенларига вирусологик текширув ўтказилди. Тадқиқот натижаларига кўра, 126 нафар беморларнинг 10,3% да парагрипп, 23,0% да аденовирусли инфекция ва 13,5% РС-инфекция аниқланди.



3-расм. Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларда *S.pneumoniae* аниқлаш натижалари (n=265)

Шу билан бир қаторда, 182 та ўрта қулоқ суюқлиги намуналарини бактериологик текширувида 46 та *S.pneumoniae* штамлари ажратиб олинди ва бу ўткир йирингли ўрта отитнинг 25,3% ташкил қилди (4-расм).

4-расмдан кўриниб турибдики, бизнинг тадқиқотда ажратиб олинган микрофлорани турли хил қўзғатувчилар ташкил қилган, бунда *S. pneumoniae* 25,3%, *H.influenzae* 1,1%, *M.catarrhalis* 5,5%, *S.pyogenes* 11,5% ва *Staph.aureus* 11% ҳолатларни ташкил қилган. Бизнинг тадқиқот натижалари бошқа давлатларда ўтказилган кўп сонли бошқа тадқиқотларга мос келди. Аммо, ғарб давлатлари тадқиқотларида бизнинг тадқиқот натижаларидан фарқли равишда беморлардан *S.pneumoniae*нинг идентификация кўрсаткичи юқори бўлган (Dagan R., 2014).



4-расм. Ўткир ўрта отит билан оғриган беморларнинг ўрта қулоқ суюқлиги бактериологик текшируви натижалари (n=182)

Шундай қилиб, йирингли менингит, шифохонадан ташқари пневмония ва ўткир ўрта отит ривожланишида *S.pneumoniae* ўрнини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, болаларда *Streptococcus pneumoniae* пневмококкли касалликларнинг турли хил шакллари чақириб, соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг «**Болаларда пневмококкли касалликларнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобда *S.pneumoniae* чақирган пневмококкли менингит, пневмококкли пневмония ва ўткир ўрта отит билан оғриган беморларнинг клиник-лаборатор хусусиятларининг таҳлили келтирилган. 57,4% пневмококкли менингит иккиламчи бўлиб, пневмония, ўрта отит, синусит фонида ривожланган ҳамда 24,1% беморлар анамнезида бош мия жароҳати ва бошқа ножўя ҳолатлар мавжуд бўлган. 29,6% болаларда пневмококкли менингоэнцефалит аниқланган. Иккиламчи менингит/менингоэнцефалит бирламчидан фарқлироқ оғир кечиши, бош мия шиши, инфекция-токсик шок, ДВС-синдроми каби асоратлар ривожланиши билан фарқланди. Пневмококкли менингитга касалликни қайталаниб (28,7%) ва чўзилиб (49,1%) кечиши хос бўлди. 23,1% беморларда ўтказилган касалликнинг қолдиқ белгилари кузатилди. Пневмококкли менингитнинг оқибатлари беморларнинг ёшига боғлиқ бўлди, 76,0% беморлар тўлиқ тузалиб касалхонадан чиқарилган, гипертензион-гидроцефал синдром 5 ёшгача бўлган болаларда аниқланди (2,7%), пешона-мияча атаксияси 1,8%, астеноневрологик синдром 13,1%, симптоматик эпилепсия 1,8%, нейросенсор карлик 3,8%, ўлим ҳолати 0,9% ҳолатда кузатилди. Ўлим ҳолати мия комаси, пневмония, сепсис билан асоратланган йирингли менингоэнцефалит натижасида юзага келди.


Кузатувдаги беморларда пневмококкли пневмония клиник кечиши таҳлиliga кўра, клиник ташхис токсикоз синдроми, нафас етишмовчилиги, маҳаллий физикал маълумотлар ва рентгенограммадаги инфилтратив ўзгаришларга асосланиб қўйилади. Рентгенограммада бўлакли (ёки лобар) пневмония устунлиги бўлиб, ўпка ўнг томонлама (83,6%) зарарланиши ҳамда кам ҳолатларда ўта оғир кечиш хос бўлган плеврит ривожланиши, лейкоцитоз (38,1%) ва С-реактив оксилни ошишини кўрсатди (62,6%).

Клиник материаллардан *S.pneumoniae* ажратиб олинган 46 нафар ўткир ўрта отитли беморлар клиник белгилари таҳлиliga кўра, пневмококкли ўткир ўрта отит клиникаси бошқа бактериал отитлар каби маҳаллий (қулоқда оғрик, йирингли оторея, эшитиш қобилиятини пасайиши, қулоқ шанғиллаши) ва умумий симптомлардан (иштаҳа пасайиши, уйқу бузилиши, иситма) иборат бўлди.

Диссертациянинг «**Соғлом болаларда *S.pneumoniae* назофарингеал ташувчанликка текшириш**» деб номланган бешинчи бобда соғлом болалардан олинган 72 та бурун-ютқин шиллиғини бактериологик текшириш натижалари келтирилган. Тадқиқот натижасида 53 (73,6%) та болалардан *S.pneumoniae* штаммини ажратиб олиш имкони бўлган, бу эса *S.pneumoniae* ташувчанлик юқори даражада эканлигидан далолат берган. Ўтказилган

тадқиқот натижасига кўра, соғлом болалар орасида *S.pneumoniae* ташувчанлик ривожланишида бир неча омиллар аҳамиятли бўлди. Сурункали ЛОР-касалликлари учраш даражаси ($P<0,001$, $RR=13,26$), кўшимча аллергологик анамнез ($P<0,001$, $RR=2,33$) каби омиллар статистик ишонарли аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бир қаторда, болани уюшган жамоага қатнаши ($P<0,001$, $RR=2,72$), ота-оналарни чекиши ($P<0,05$, $RR=3,23$) каби омиллар ҳам ишонарли аҳамиятга эга бўлган.

Диссертациянинг «**Ажратиб олинган *S.pneumoniae* штаммларининг серотиплари тавсифи**» деб номланган олтинчи бобида ажратиб олинган *S.pneumoniae* турли хил серотипларини хусусиятлари аниқланди. Бизнинг тадқиқотда, пневмококкли менингитли болалардан 6A/B серотиплари, 1 серотип, 4 ва 5 серотиплар, 14 серотип, 2 серотип ва 19A/F серотиплар ажратиб олинди. Пневмонияли беморлардан 1, 3, 5, 6A, 14, 19 серотиплари ажратиб олинган бўлса, чет эл тадқиқотларида эса пневмонияли беморлардан кўп ҳолатларда 19, 23, 1, 5, 6B ва 3 серотиплар ажратиб олинган бўлган. 13-валентли вакцина (ПКВ-13) таркибига кирувчи серотиплар беморлардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* серотиплари билан қиёсланганида, конъюгирланган вакцина таркибига 78,3% ажратиб олинган пневмококклар, 10-валентли вакцинада эса (ПКВ-10) 62,7% пневмококклар киришини кўрсатди (5-расм), бу эса бизга болалар орасида пневмококкли касалликларнинг инвазив шакллари чактирувчи серотипларни айланиб юриши тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган.




Изоҳ: 78,3% ажратиб олинган серотиплар ПКВ-13 таркибига киради;
 62,7% ажратиб олинган серотиплар ПКВ-10 таркибига киради

5-расм. Пневмококкли касалликларнинг инвазив шакллари билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* серотипларини тақсимланиши (n=83)

Кузатувдаги ўткир ўрта отит ташхиси билан оғриган болалардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* штаммларини серотипларини аниқлаш

натижасига кўра, 1 серотип (13,7%) ва 6А серотип (13,7%) асосий серотиплар бўлган. Ажратиб олинган қолган серотиплар 3, 5, 6В, 14, 19F ва 23F мувофиқ равишда 9,1%, 9,1%, 4,5%, 9,1% ва 4,5% ташкил қилган. Аниқланган *S.pneumoniae* серотипларини вакцина серотиплари билан қиёслашда ўзаро мослик маълум бўлган: ПКВ13 - 68,2% га ва ПКВ10 - 45,5% га (6-расм).



Изох: 68,2% ажратиб олинган серотиплар ПКВ-13 таркибига киради
45,5% ажратиб олинган серотиплар ПКВ-10 таркибига киради

6-расм. Ўтқир ўрта отит билан оғриган беморлардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* серотипларини тақсимланиши (n=22)

Кузатувдаги соғлом болалардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* назофарингеал штаммларида 1 серотип, 5 серотип ва 6А (16,7%) устунликлари аниқланган. Ажратиб олинган қолган серотиплар 3, 4, 6В, 2, 19F ва 23F мувофиқ равишда 8,3%, 12,5%, 4,2%, 4,2%, 8,3% ва 4,2% ташкил қилган. *S.pneumoniae* типга ажратилмайдиган штаммлари иккита ҳолатларда ажратиб олинган. Бундан ташқари, бизнинг тадқиқотда вакцина таркибига кирмаган *S.pneumoniae* 2 серотипи ликвор ва бурун-ютқин шиллиғидан ажратиб олинган. *S.pneumoniae* назофарингеал ва клиник штаммларини серотиплаш бўйича олинган натижалар амалий аҳамиятга эга, чунки, пневмококкли инфекцияларга қарши қўлланилаётган вакцина самарадорлиги пневмококкнинг турли хил жуғрофий ҳудуд ва давлатларда айланиб юривчи тарқалган серотипларига боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг «*S.pneumoniae* клиник ва назофарингеал штаммларини микробга қарши дори воситарга нисбатан резистентлиги» деб номланган етинчи бобида беморлар ва соғлом ташувчилардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* штаммларини микробга қарши дори воситарга нисбатан сезувчанлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, пневмококкли касалликларнинг инвазив шакллари чакирувчи *S.pneumoniae* штаммлари популяциясида бир қатор макролид препаратларига нисбатан (эритромицин 36,3% (минимал таъсири концентрацияси (МТК) ≥ 1 мг/л) *S.pneumoniae* резистент штаммлари), ампициллин (11,9% резистент штаммлар ва 31,8% *S. pneumoniae*

штампларини оралиқ резистентлиги) ва фторхинолонларга (ципрофлоксацинга нисбатан 13,3% да резистентлик аниқланган (МТК \geq 4 мг/л), *S.pneumoniae* штампларини 3,7% да оралиқ резистентлик) резистентлик шаклланиш жараёни ривожланган.

Пневмококкни пенициллинга нисбатан турғунлигини юқорилиги тўғрисидаги замонавий маълумотларга қарамасдан, бизнинг маълумотларга кўра, пенициллинга нисбатан сезувчанлик (71,9% изолятларда МТК \leq 2 мг/л) ҳозиргача сақланиб қолганлигини кўрсатди. Шунини айтиб ўтиш керакки, эпидемиологик жиҳатдан аҳамиятли муаммо бу, эритромицин (36,3%) ва триметоприм/сульфаметоксазолга (53,3%) нисбатан турғун штаммлар устунлик қилиши аниқланмоқда. Ликвордан цефалоспоринларнинг III авлодига (цефотаксим, цефтриаксон) нисбатан 0,8% турғун штаммлар ва 2,2% оралиқ сезувчанликка эга пневмококк изолятларини аниқланиши антибиотикларга нисбатан турғунликни ошиб бориши, яқин йилларда пневмококкли касалликлар инвазив шакллариини цефалоспоринларнинг III авлоди билан даволаш имкони бўлмаслигига олиб келишини билдиради. Шунга кўра, антибактериал препаратларни қўллаш бўйича тавсияларда болаларда пневмококкли касалликларни инвазив шакллариини даволашда юқорида келтирилган препаратлардан рационал фойдаланиш зарурлиги мақсадга мувофиқ.

Ўткир ўрта отит билан касалланган беморлардан ажратиб олинган *S.pneumoniae* штампларини турғунлиги бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, пенициллин, β -лактама ва макролид антибиотикларга нисбатан резистентлик Европа давлатлари каби юқори эмас. Шунингдек, пневмококкларни триметоприм/сульфаметоксазолга нисбатан резистентлик даражасини ошиб бориши ва макролидли антибиотикларга (эритромицин) нисбатан *S.pneumoniae* резистент штаммлари сонини кўпайиб бориши кузатилмоқда, бу эса амбулатор амалиётида улардан асосланмаган ҳолда фойдаланиш натижаси ҳисобланади.

S.pneumoniae назофарингеал штампларини МТК бўйича антибиотикларга нисбатан резистентлиги маълумотларини тахлили, эритромицинга нисбатан юқори резистентликка эга штаммлар (МТК 8 мг/л – 1 штамм, МТК 4 мг/л – 3 штаммлар) 8 нафар сурункали тонзиллит бўлган болалардан ажратиб олинганлигини, 14 нафар болалардан оралиқ турғунликка эга штаммлар (МТК 0,5 мг/л – 1 штамм, МТК 0,25 мг/л – 2 штамма, МТК 0,125 мг/л – 2 штамм) олинганлигини кўрсатди. Макролидларга нисбатан турғунликка эга назофарингеал штаммлар 1, 5 ва 6А/В серотиплар билан ифодаланди. Триметоприм/сульфаметоксазолга нисбатан юқори резистентликка эга *S. pneumoniae* штамми ажратиб олинган ҳамда пенициллин, ампициллин, макролидлар, фторхинолонга нисбатан резистент штаммлар пайдо бўлиши кузатилган.

